

## А Ж Р И М

(ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 24 кунда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси Орзу МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Ибрагимов, судья ёрдамчиси З.Ҳазратқуловнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи П.Касимов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Музафаров ҳамда жабрланувчи О.Неъматовларнинг иштирокида,

**Касимов Парвиз Равшанович** (Kasimov Parviz Ravshanovich), 1984 йил 18 июль куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати эронли, ўзбек тилини билади, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 10.07.2019 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисми “б” банди, 186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми “б” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57,59,61-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдорида яъни 14.191.100 сўм дарима жазоси ва 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 12.11.2019 йилдаги ажримига кўра тўланмай қолган энг кам ойлик иш ҳақининг 61 баравари, яъни 13.691.100 сўм жарима жазоси ЖК 44-моддасига асосан 3 ой 24 кун озодликни чеклаш жазосига алмаштирилиб, ЖК 59-моддасига асосан ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 10.07.2019 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазога қисман кўшиб, 3 йил 7 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 20.05.2021 йилдаги ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 9 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖК 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, Самарқанд шаҳар “Қуйи Хўжасоат” маҳалласи, 25-уйда яшайди, иш бўйича “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 26 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан судланувчи Касимов Парвиз Равшановичга оид № 1-1401-2603/237-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**



Судланувчи Касимов Парвиз Равшанович 2025 йил 24 декабрь куни соат 16:00 ларда Самарқанд шаҳар, “Шодлик” маҳалласи, Сулаймон Бухорий кўчасида ўзига олдиндан таниш бўлмаган фуқаро Неъматов Оташжон Ўткирбой ўғли билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида О.Неъматовнинг ўнг қўли кафт соҳаси ва кўкрак қисми орқа тарафига қўли билан қасддан уриб тан жароҳати етказган.

РСТЕИАМСФнинг 2026 йил 7 январь кунидаги №4805-сонли хулосасида фуқаро О.Неъматовнинг танасида, яъни кўкрак қафасининг орқа юзаси чап курак ва ўнг қўл кафт соҳаларида шилинмалар, ўнг қўл иккинчи кафт суяги дистал қисмидан синиши каби жароҳатлари мавжуд бўлиб, улар ўтмас каттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп, амма бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлиши, шунинг учун “ўртача оғирликдаги шикаст” бўлган тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги, жароҳатларнинг етказилиш вақти қарорда, тиббий баёнда қайд этилган ҳамда текширилувчи шахс ўзи кўрсатма берган муддатга, яъни 2025 йил 24 декабрь кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судланувчи П.Касимов ҳамда жабрланувчи О.Неъматовлар судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи П.Касимов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи О.Неъматовга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи О.Неъматов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи П.Касимовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи О.Неъматов ва судланувчи П.Касимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Кувондиқов ва химоячи Ш.Музафаровларни жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, П.Касимовнинг айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг қишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишни инобатга олиб, П.Касимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ва ажрим қонуний кучга киргандан сўнг дастлаб тергов органи томонидан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи О.Неъматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан **Касимов Парвиз Равшанович** (Kasimov Parviz Ravshanovich)га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Касимов Парвиз Равшановичга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи О.Неъматовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ж.Ибрагимов**

